

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРЕЙС МИЛЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВ СИЁСАТИ

Тўлқин Холмуродович Жумаев

Тошкент архитектура қурилиш институти “Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий
фанлар” кафедраси доценти. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
jumaev.tulkin@inbox.ru

Жанна Сейрановна Далакьян

Тошкент архитектура қурилиш институти “Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий
фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси.

АНОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган корейс миллати вакилларининг ижтимоийлашуви жараёнлари тарихий фактлар ҳамда илмий-статистик маълумотларни изчиллик асосида таҳлил қилинган ҳолатда ёритилган. Мазкур мақолада Корейс миллати вакилларининг Ўзбекистон ҳудудига депортация қилиниш жараёни, сабаб ва оқибатлари ҳолисона тарзда очиқ берилган. Бундан ташқари корейс диаспорасининг собиқ иттифоқ ҳамда мустақиллик давридаги ижтимоийлашуви жараёнида эришган ютуқлари кенг ёритиб борилган.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, депортация, диаспора, муҳожир, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ҳамкорлик, эзгулик, ҳамжихатлик, маънавий меърос, ижтимоийлашуви, маданий алоқалар, тарихий воқеа.

SOCIALIZATION POLICY OF THE KOREAN NATION IN UZBEKISTAN

Tulkin Kholmurodovich Jumaev

Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering, Associate Professor of the Department of Philosophical and Socio-Political Sciences. PhD in Political Science

Janna Seyranovna Dalakyan

Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering,
Senior teacher

ABSTRACT

The article discusses the processes of socialization of representatives of the Korean nation living in the Republic of Uzbekistan on the basis of an intensive analysis of historical facts, as well as scientific and statistical data. This article describes the processes, causes and consequences of the deportation of representatives of the Korean nation to Uzbekistan. At the same time, the article widely discusses the achievements of the Korean diaspora in the process of socialization in the Soviet period and the period of state independence of Uzbekistan.

Keywords: Strategy of action, deportation, diaspora, immigrant, religious tolerance, interethnic harmony, cooperation, goodness, solidarity, spiritual heritage, socialization, cultural relations, historical event.

КИРИШ

Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 устувор йўналиши ҳаракатлар стратегиясининг Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат ҳолда ватан равнақи йўлида яқдил ҳаёт кечириш ғояси илгари сурилган. Бунда 130 дан ортиқ миллат вакиллари ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнаши табиийдир. Ўзбекистонда яшаётган корейс диаспораси ҳамда халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Қадимий Афросиёб деворларига туширилган корейс элчилари тасвири, археолог олимлар қазиб олган, корейс халқи ижодига мансуб асори-атиқа топилмалар бу икки халқ ўртасидаги алоқалар қадим даврлардан мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Бу эса ўзаро яқин муносабатлар ривожидида ўзининг тарихий аспектига эга ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Корея ярим оролида юзага келган бирлашган Силла ва Корё қироллиги билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар Хитой қитъасини бирлаштирган Тан ва Ван қироллиги орқали бўлган, деган илмий фаразлар мавжуд. Айниқса, Ван давлати Осиё қитъаси билан бирлашганидан сўнг Чингизхон ёрдамида Ипак савдо йўлини бутунлай қўлга киритди. Ана шу тарихий воқеъликка таяниб, Корея

ярим оролида тайёрланган маҳсулотлар узок давр мобайнида элчилар ва савдогарлар орқали Марказий Осиё худудига олиб келинган деган тарихий манбалар мавжуд.

Янги давр тарихий манбалари ҳамда мавжуд архив ҳужжатларига кўра, Кореяликларнинг Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон худудига кириб келиши 1897 йилда Россия империяси аҳолисининг биринчи умумий аҳолини рўйхатга олиш маълумотларида қайд этилган. Кореяликлар Семиречинск вилоятида - 11 киши, Сирдарёда - 2 киши, Акмолинскийда - 5 киши ва Қўқон, Наманган округларида, шаҳарларида бир неча киши яшаган. Натижада Наманган, Пишпек, Пржевалск вилоятларида бир нечта корейс миллати вакилларининг келиб жойлашиш жараёнлари юз беради. Кореяликлар 1926 йилдаги Биринчи Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш китобида замонавий Қозоғистоннинг учта худудида рўйхатга олинган: Акмола, Семипалатинск ва Сирдарё вилоятларида. Қозоғистонда - 42 киши; Ўзбекистонда - 36 ва Қирғизистонда - 9 киши истиқомат қилишган.

Собиқ СССР давлати худудида 30-50 йилларда депортация қилинган ингушлар, чеченлар, немислар, қалмиқлар, булғорлар, қирим татарлари ва бошқа халқлар орасида биринчи бўлиб корейс халқи яшаб турган жойидан мажбуран кўчирилган эди. Бу фожевий воқеа собиқ СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши ва ВКП(б) Марказий комитетининг 1937 йил 21 августдаги «Узоқ Шарқ ўлкаси чегара районларидан корейс аҳолисини кўчириш ҳақида»ги қарори асосида амалга оширилди. Қарордан сўнг шу йилнинг ўзида (1937й.) 170 минг корейслар Ўрта Осиё ва Қозоғистон худудига мажбуран кўчириб олиб келинди. Улардан 74 мингдан ортиғи Ўзбекистонга, қолгани эса Қозоғистон худудига жойлаштирилди.

Узоқ Шарқ худудидан биринчи поездлар 1937 йил сентябр охирида Қозоғистонга, бироздан кейин эса Ўзбекистонга кела бошлади. На Қозоғистонда, на Ўзбекистонда улар бундай кўп сонли одамларни қабул қилишга ва жойлаштиришга тайёр эмас эдилар. Депортация пайтида қабул қилинадиган ва жойлаштириладиган корейс хонадонларининг сони аввал кўрсатилган кўрсаткичга нисбатан 30-40 фоизга кўпайди, вилоятларда маҳаллий аҳоли билан жойлашиши орқали муҳожирларнинг микдорий тақсимланиши ўзгарган, бу уларни ташкил этишда қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Қўқон, Бухоро ва бошқа шаҳарларида 2500 дан ортиқ корейс оилалари истиқомат қилишиб, ҳаммаси бўлиб, 1938 йил 15 ноябрда Ўзбекистонда 16

минг 307 корейс оиласи ёки 74 500 корейс миллати вакиллари истиқомат қилганлиги рўйхати қайд этилган.

Корейсларни ижтимоийлашувини жадаллаштириш мақсадида собиқ СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1938 йил 13 мартдаги «Миллий республика ва вилоятлар мактабларида рус тилини мажбурий ўрганиш ҳақида»ги махсус қарори Ўзбекистонга кўчириб келтирилган корейслар халқ таълимини ташкил қилишга қаратилади. Шу муносабат билан собиқ Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳам 1938 йил 19 мартда «Ўзбекистон ССР даги ўзбек ва бошқа рус бўлмаган мактабларда рус тилини ўрганиш ҳақида» қарор қабул қилди.

Собиқ ССР Халқ Комиссарлар Кенгашининг мазкур қарори ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида Ўзбекистондаги рус бўлмаган халқлар, жумладан, корейслар маданий ҳаётида бир қатор салбий ҳолатлар юзага келади. Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейсларнинг 99 фоизи она тилида ёзишни ва ўқишни билмаслиги, ана шу қарорнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши оқибатидир. Қарорга биноан республика Халқ таълими Комиссарлиги 1939/1940 ўқув йилидан бошлаб барча корейс мактабларини рус мактабларига айлантирди. 1937-1938 йилларда дастлабки корейс колхозлари Тошкент вилояти Бекобод туманида “Янги турмуш”, “Авангард”, “Ҳақиқат” номлари билан ташкил этилган. Кейинчалик Тошкент ва Самарқанд вилоятларида йирик “Политотдел”, шунингдек, бугунда Ким Пен Хва номи билан машҳур хўжаликлар ташкил этилди.

Корейслар азалдан қишлоқ хўжалигида катта маҳорати билан ажралиб келганлар. Улар асосан шоличилик ҳамда полиз экинлари билан узоқ вақт давомида шуғулланиб келганлар. Охириги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга қарамасдан ҳалигача уларнинг аксариятлари қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келишмоқда.

Умуман мажбурий кўчириб келтирилган корейс аҳолиси Ўзбекистон халқи билан ёнма-ён туриб республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият кўрсатади. 1953 йилда корейс аҳолисининг кўчиб юриши учун қўйилган барча тўсиқлар ва чеклашлар бекор қилиниши улар фаолиятини янада фаоллаштиради. Корейслар орасидан таниқли қишлоқ хўжалиги мутахассислари, саноат соҳасида илғор ишчилар, фан ва маданият ходимлари етишиб чиқади. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда 1945-1991 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасидан 650 илғор ходимларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган бўлиб, улардан 139 нафари корейс

миллатига мансуб шахслар бўлган. Бу Ўзбекистон раҳбарияти, ўзбек хақининг бағрикенглиги, миллати, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳаммага бир ҳилда ҳурмат ва эҳтиром билан қараганлиги натижасидир.

Ҳозирги кунда МДХ ҳудудида яшаётган 500 минга яқин корейс миллатининг 185 мингдан кўпроқ қисми Ўзбекистонда истиқомат қилишади. Ушбу корейс диаспораси кўп миллатли жамиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. 2019 йил апрелда янги бинода ташкил этилган Корейс Маданият Маркази Ассоциацияси корейс диаспораси вакиллари ни маҳаллий ҳамда тарихий ватандошлари бўлган Корея Республикаси халқи билан ижтимоий-маданий соҳаларда кўплаб самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Корейс миллатига мансуб ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётгани, истиқлол йилларида уларнинг 300 нафарга яқини давлат мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жанубий Корея ҳам худди шу йўлда тобора тараққий этиб бораётган яна бир тинчлик, эзгулик ва ҳамжиҳатлик мамлакати ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ўзбек ва корейс миллатларининг ўхшашлик, умумийлик жиҳатлари бисёр. Бизларни тил жиҳатдан олтой тиллар оиласи бирлаштириб турган бўлса, ҳудуд жиҳатдан бир қитъа, бир минтақа – Евроосиё ва шарқ умумийлаштириб туради. Тарихий, маданий жиҳатдан ҳам кўплаб уйғунликларни кўриш мумкин. Жафокаш корейс халқи ҳам ўзбеклар сингари ўтмишда кўп бор босқинчилар зулми остида яшашга, уларга қарши қон ва жон курашини олиб боришга мажбур бўлган. Ана шундай қийинчиликлар эвазига бўлса керак, корейслар ҳозирги тинч ва фаровон муҳитда ҳам ўзларининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан ажралиб туради, янгиликларга қўл уриб, турмуш тарзини янада фаровонлаштиришга интилиб яшайди.

Ҳозирги кунда юртимиз илм фан ривожини йўлида ўзларининг машаққатли меҳнати билан ватан равнақига ҳиссаларини қўшаётган корейс диаспораси вакиллари нинг ҳам ўрни ниҳоятда катта. Буларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Фанлар академияси аъзоси, иқтисод фанлари доктори Владимир Ким, физика математика фанлари доктори Вячислав Эм, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Роберт Ким, биология фанлари доктори Виктор Лим, тиббиёт фанлари доктори Николай Пак, Москва давлат Университети

профессори, физика математика фанлари доктори Лев Югай каби заҳматкаш илм эгалари киришади. Шунингдек мамлакатимиз маданияти ва спорти, иқтисодиёти, халқ таълими ривожига ҳам кўплаб жокуяр заҳматкаш ҳамда юксак истеъдод соҳиблари бўлган корейс миллати вакилларининг ҳам ўрни беқиёсдир. Булар орасида Ўзбекистон қаҳрамони Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” директори, сенатор Валерий Тянь, Мактабгача таълим вазири Агрепина Шин, Олий Мажлис депутати, Корейс маданият маркази асосчиси директори Виктор Пак, ИИВ қоровул кўшинлари генерал майори Дмитрий Пан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Галина Шин, хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Владимир Ким, таниқли расом Владимир Ан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Искра Шин, Ўзбекистон WTF тайквандо терма жамоаси бош тренери, “Эътироф” мукофоти совриндори Александр Ким, “TEGEN” компанияси раҳбари Геннадий Тен, таниқли фоторасом Виктор Ким ҳамда “Илхом” театри актери ва постановкачи режисёри Вячеслав Дзюларнинг хизматлари беқиёсдир.

Ўзбек ва корейс халқларининг дунёқараши ва урф-одатлари ўхшаш. Мамлакатларимиз энг қийин даврларда бир-бирини қўллаган. 2017 йили Ўзбекистонда корейс миллати вакиллари яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги "Дўстлик" боғида ёдгорлик монументи очилди. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига Сеул номи берилди. Корейс халқининг маънавий-маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида Корея Республикаси ҳукумати томонидан Тошкент шаҳрида Корея маданияти уйи куриб битказилди. Ушбу маскан халқларимиз абадий дўстлигининг яна бир ёрқин тимсоли бўлади.

Корейс диаспораси Ўзбекистондаги кўп миллатли халқнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва республикада ўтказиладиган барча ижтимоий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этади. Ҳукуватимиз мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари ривожига ушбу миллат вакилларининг қўшаётган ҳиссасини қадрлайди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жойизки, Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келтирилган корейс аҳолисининг совет режими туфайли унутиб юборган она тилини ўрганиш, миллий маданиятини, урф-одатлари ва анъаналарини қайта тиклаш учун мустақиллик йилларида кенг имкониятлар яратилди. Ўз Ватанлари ва ватандошларидан мажбурий ажралиб қолган

Ўзбекистонлик корейс аҳолиси учун она диёрлари билан танишиш, мулоқотда бўлиш, уни билиш имконияти яратилди. Шунингдек, корейс халқи Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалар ривожига ислохотларида барча миллатлар қаторида юртимиз равақи йўлида фидойилик наъмуналарини кўрсатиб келмоқда.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. (2017) Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент : Ўзбекистон,. – Б. 257.
2. Ўзбекистон Республика Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон)
3. Мирзиёев Ш.М. (2017). Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, – Б. 138.
4. Мусаев О. (2016). Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожига. Монография. Тошкент: Истиқлол нури, –Б. 71.
5. Назаров Н. (2018). Марказий Осиёда миллатлараро муносабатлар. Монография. Тошкент: Global books, –Б. 110
6. Сун Дон Ги. (2000). Ўзбекистон Республикаси ва жанубий Корея иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда истиқболли режалар. Дис.5982. Тошкент. –Б. 90
7. 1926 йилдаги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш. (1928) М., , в. 8. Қозоқ Автоном Совет Социалистик Республикаси. Қирғиз Автоном Социалистик Республикаси, 16-35 бетлар; Т. 15. Ўзбекистон ССР, п. 17-36.
8. 4.2. Choi Won Gee. (2014). The traditional education of Korea. –Seoul.: -Seoul. Ewha Womans University press, –P. 223.
9. 4.3. Lee Jeong Kyu. (2002). Korean higher education. A confucion perspective.. – Seoul.: Jimoondong international, . –P. 24.
10. 김장수(1995). 중앙아시아한연[고려인]외 이주과정및새
활상].[한민족공동체]. pp15
11. Ким П.Г. (1993). Корейцы Республики Узбекистана-Т. г.Стр-. 14-15, 21;
12. ТсГА РУ, ф Р-837, 27-бет, 39-сон, л. 19
13. Koryo sinmun. (2016). 26 феврал.3 сон(281) Герои корейских диаспоры
14. Очётная справка (2019). АККЦ Республики Узбекистана.26 июн.
15. http://mg.uz/print/publish/doc/text55461_народы_Узбекистана-корейцы

16. <http://uza.uz/oz/politics/O'zbekiston-koreya-respublikasi-o'zaro-manfaatli-hamkorlik-28-05-2015>
17. <http://uza.uz/oz/society/ijtimoiy-so'rov-natijalari-02-02-2018>
18. <https://president.uz/uz/lists/view/2180>
19. <http://koreasaram.kz>
20. <http://idum.uz/ru/archives/8896>
21. <http://tashgiv.uz/koreya-xalqaro-tadqiqotlar-universiteti-bilan-hamkorlik/>
22. <https://www.uz|aloqaloyiha.uz/detal/>
23. Chong Jee Lee, Seong Yul Kim, Dong Adams. (2010). Sixty years of Korean education. –Seoul.: Sunpress, –P. 59.